

РЎЗИ ҚОДИРИЙ



**ДЎСТЛИК
НАШИДАСИ**

Шеърлар ва достон

Тошкент
Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти
1984

**Ушбу тўпламни ўғлим Қутлугнинг
хотирасига бағишлайман.**

К $\frac{4702570200 - 97}{356(04) - 84}$ 56—84

(C) Издательство «Ёш гвардия», 1984



ВАТАНИМ

Ўзингсан яловдор, туғиниг барқарор,
Озодлик тоғисан ёрқин, шуъладор,
Гулларинг жилвакор, сойларинг мавждор,
Қалбимга тафт бергап оташин диёр,
Сендадир инсонга ҳурмат, эътибор.

Кун-бакун улғайиш — толе, иқболинг,
Офтобдек чарақлаб кулар жамолинг,
Жами дилга сингмии меҳринг, хаёлинг,
Олами лол этмиш кўркинг, камолинг,
Сендадир инсонга ҳурмат, эътибор.

Сендерсан бахтимга яралган жаҳон,
Ишқингдан юракда гуриллар түғён,
Бағрингда муродим кулади ҳар он,
Фидо бўлсин сенга садақа бу жон,
Сендадир инсонга ҳурмат, эътибор.

Ҳар нафас меҳнатда дур яратарман,
Энг эзгу орзу-ла достон битарман,
Сенга чўнг севгимни баён этарман,
Сен борсан — доим шод куйлаб ўтарман,
Сендадир инсонга ҳурмат, эътибор.

Toшкент

~~ЖАРАНГИДА~~ ОВОЗ

(Шу номли туркумдан)

Дунёмизда бир куй мангу, дилнавоз,
Улугвор эътиқод этади шарвоз,
У қуёш нуридан олади пардоз,
Эрку баҳт, иқболдан ҳар қўшиқ, ҳар соз,
Унинг жарангида ~~ЖАРАНГИДА~~ овоз.

Ҳар лавҳада қураш, меҳнат жўшқини,
Жамики юракда ижод ёлқини,
Бетиним гуркирар шонлар тўлқини,
Зафарлар, қувончлар оқими бу соз,
Унинг жарангида ленинчи овоз.

Қароғларда буюк умид чақноғи,
Дилларда яловдор туйғу қайноғи,
Йўлларда нурағшон ҳаёт маёғи,
Порлоқ тақдирга хос қўллардаги соз,
Унинг жарангида ~~ЖАРАНГИДА~~ овоз.

Ҳар кунда бир бутун умрдек мазмун,
Унинг ҳар онидан тириклик мамнун,
Ошажак фароғат, суурур кун-бакун,
Замонам қудратин садоси бу соз,
Унинг жарангида ~~ЖАРАНГИДА~~ овоз.

Пўлатлар қўйганда, қўриқ очганда,
Юлдуздан-юлдузга дадил учганда,
Узлуксиз ғалаба, шарағ қучганда
Қаҳрамонлик мадҳин куйлайди бу соз,
Унинг жарангида ~~ЖАРАНГИДА~~ овоз.

Тиллар хилма-хилдир,
Мақсад ягона,

Курашда,
Меҳнатда туриб мардона,
Яратамиз ҳар зум янги шоннома,
Муқаддас қардошлиқ куйидан бу соз,
Унинг жарангига ~~жарангига~~ овоз.

Бу Ватан дўстлигу меҳрга булоқ,
Ҳамиша иноқмиз,
Ҳамиша қувноқ.
Виждан ҳур,
Инсон ҳур,
Мўътабар ҳар чоғ.
Эртанги иқболни мадҳ этар бу соз,
Унинг жарангига ~~жарангига~~ овоз.

Toшкент, 1980

ЎЗБЕКИСТОН, ЯШНАЙБЕР!

Кўклам шавқи жўшаверсин,
Баҳористон яшиайбер,
Кўз-кўз айла гул жамолинг,
Қулғ ур ҳар ои, яшиайвер,
Ҳаёт гўзал, даврим гўзал,
Қувиар жаҳон, яшиайбер,
Пешонангдан ўпмиш қуёш,
Ўзбекистон, яшиайбер.

Ғунчаларинг — тўғдек лаълинг,
Жилвакордир гулларинг,
Димоқларга ифор сенмии,
Ҳид уфурмиш йўлларинг,
Оромбахшдир атрофларинг,
Илҳомбахш ўнг-сўлларинг,
Жашнатдан минг чаандоп гўзал,
Ўзбекистон, яшиайбер.

Гулларингга боқиб булбул,
Сайрар жўшқин павода,
Гулшанларинг қасидасин
Сўйлар жўшқин павода,
Абадият мадҳим баён
Лйлар жўшқин павода,
Мен ҳам савти наво сўйлай,
Ўзбекистон, яшиайбер.

Ҳар бир гулинг риштасидан
Диллар дилга пайваста,
Ундан баҳра олар меҳру
Муҳаббат ҳар нағасда,
Ҳар наҳорда қутлаб тутгум
Фидоларга гулдаста,

Мурод, камол чин барқарор,
Ўзбекистон, яшнайбер.

Зиё билан чайқалмишdir
Бўстонларинг қучоги,
Еғдуларга чўмилмишdir,
Жилоланаr ҳар ёғи,
Суюкларниг суюгисан,
Ардоқларнинг ардоғи,
Шарққа ибрат мангу бўстоп —
Ўзбекистон, яшнайбер.

Мен учун, оҳ, сен суюкли,
Сен қимматли гул диёр,
Қароғимдай асрагумдир,
Қўндирмасман гард-губор,
Қодирий бир содиқ ўғлиниг,
Сенга доим вафодор,
Юракка қўр, жонга дармон,
Ўзбекистон, яшнайбер.

Toшкент, 1977

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

I

Ватан құдратининг чексизлигіда
Ҳиссанғыз улкандир, эй, заршуносим.
Чүнгидир салмоғингиз шонлар вазнида,
Сизгадир икромим,
Меҳрим, ихлосим.
Бу диёр юрагин сержүшқиңилиги
Дилингиз қўридан, ҳароратидан.
Маъмурлик дарёсин сертошқиңилиги
Қадоқ қўлларингиз саховатидан.
Бу юрт жамолининг мунаавварлиги
Нахтангизниңг ёрқии нуридан, бешак.
Дамларнинг хушлиги,
Музafferлиги
Жасур умрингиздан нишона демак.
Довруғу шуҳратининг гуркирашлари —
Дунёни лол этган хирмонингиздан.
Шодлик куйларининг авж олишлари —
«Оқ олтин» аталган жаҳонингиздан.

II

Табиатдан устун чиқдингиз ҳар он,
Бўлди фан, техника мададкорингиз.
Қардошлиқ рамзиdir Сиз яратган шон,
Дўстлигу тинчлиқдир чин шиорингиз.
Бағрингиз қуёшининг тафтига қадар,
Саховат кўкида балқан офтоб Сиз.
Яратолди миллион тонналаб оқ зар
Сўнмас қалб чўғингиз,
Олтин қўлиингиз!
Ҳамма тилда Сизга табригу олқиш,
Достонга айланмиш ғолиб номингиз.
Таърифингиз олис-олисга стмиш,
То етти иқлимга кетмиш доңғингиз.

Ўлкада шоп кезар,
Шарофат кезар,
Назму наво кезар,
Кезар шод айём.
Суруру ифтихор,
Муҳаббат кезар,
Тўй бонги авжлашар шу куп, шу оқшом!

Toшкент, 1979

Зак. 164.

ИШЧИ ДҮСТИМГА

Ишчи дўстим, сенсан илҳом маибам,
Сенга баҳшидадир қалбим қўшиғи.
Келажак кўрипар сени ўйласам,
Писандмас сен учун йиллар тўсифи.
Сепга бағишланар ҳар эзгу қалом,
Сенинг номинг билан фахр этар Ватан.
Тарих бўлиб қолар ҳар айтган сўзинг,
Ҳар ишинг монандир сўзингга, зотан,—
Ҳар шаҳар,
Ҳар бир йил,
Буюк ишшоот
Сенинг жасоратинг рамзиdir, дўстим.
Ҳар бир мўъжизада,
Жаҳоний баҳса
Ишчилар синфиининг мавқеи устун.
Сепинг ижодингдир, ижодкор дўстим,
Инсоилар кўзида умидвор зиё —
Коммунизм номи билан аталган
Ўша саодатли, мунаvvар дунё!
Меҳнатинг,
Қудратинг билан юксалмиш
Юртимниш обрўси бўлиб муаззам,
Сенинг шу пўлатдек метин сафингга
Қувонч, ҳаяжон-ла боқаман баъзан.
Юрагим уриши,
Қон юришида
Қалбинг ҳароратин,
Қўрип сезаман.
Қарогларда ёиган ўчмас оташда
Меҳринг қуёшининг нурин сезаман
Мўъжизакор қўллар рамзин кўраман
Печларда тобланган чўян, пўлатда,
Конларниш қаъридан қазилган маъдан,
Олами лол этган кучда, қувватда.

Гул пақшидан тортиб гигантларгача
Дидинг,
 фаросатинг,
 кўркинг намоён,
Самони забт этган жасур парвозда
Сенинг заковатинг борар ёнма-ён.
Дилин юрт севгиси ёқсан ҳар жонга
Букилмас проданг,
Мафкуранг сингмиш.
Меҳнат оламига сардор асли сен,
Сенинг йўлларингда чамаплар унмиш.
Меҳнатинг боисдир
Юрт тўкиплиги,
Замон осойиши,
Каромати ҳам,
Сенда мужассамдир
Ипсон қудрати,
Ижоди,
Журъати,
Назокати ҳам...
Ишчи дўстим, сенсан илҳом манбалим,
Сепга баҳшидадир қалбим қўшиғи.
Келажак кўринар сени ўйласам,
Писандмас сен учун йиллар тўсиғи!

Toшкент, 1976

ЗАФАР САРИ

Улуг давримизнинг улуғ пойдори,
Октябрь фарзанди,
Ҳурлик посбони,
Коммуна қасриининг ҳассос меъмори,
Эрку баҳт гуллаган боғлар боғбони,
Тинчликка таянчиз,
Ленинчи авлод,
Толмас курашчисиз
Баҳтли ва озод.
Дилда буюк орзу, ёздингиз қанот
Ҳур юртдаги жами шуқталар қадар.
Қатъий аҳд-паймоидан,
Қалблар қўридан,
Ғайрат оқимидан,
Манглай теридан
Яралган олам бу, умрида баҳор,
Димоқларга сочур узлуксиз ифор.
Доимо гуркираш, яшаришга хос,
Қутлуғдан қутлуғдир,
Эзгудан әзгу.
Пок ниятга,
Олий тилақларга бош
Юракларда жўшар исёнкор туйғу!
Меҳнат-ла қўйдингиз иқболга ҳайкал,
Ҳойкалки,
Ҳар бири буюк кашфиёт.
Ҳар битта кашфиёт тарихга сайқал,
Уни чарақлатмиш нурли эътиқод.
Шу абадий гулшан дунёмиз ҳаққи,
Ленинчасига, ҳа, ишламоқ даркор!
Ленин баҳш айлаган зиёмиз ҳаққи,
Тағин мардонавор курашмоқ даркор!
Унинг шон-шарафип сўйлап чоги бу,
Курашин,

Зафарин сўйлайлик жўшиб.
Мангулик баҳорин куйласи чоғи бу,
Барқ урган давронни куйлайлик тошиб.
Тилдаги қўшиқда муқаддас номи,
Дилдаги туйғуда улуғвор шуур.
Зафар сари бошлар Ленин таълими,
Еғар шан узра шан,
Нур устига нур.

Toшкент, 1980

БУ ДУНЁ

Бу дунё ажойиб, серҳиммат, ўқтам,
Иисон деб яшайди,
чекади ташвиш.

Бу дунё ишиқида меҳнаткаш одам,
Эрта-кеч курашар,
қилишар юмуш!..

Бу дунё офтобининг нурига тўла,
Сўнмас оташ бўлиб тепар юраги.
Эзгулик офтобин олқишилар, қутлар,
Машъумликни кўммоқ ўйи, тилаги!..
Бу дунё орзуси —

доим ҳамдамлик,
Қардошлигу дўстлик унга эрур жон.
Омонлик,
ободлик,

шодликка чаңқоқ,
Низони ўчирмоқ ундаги армон!..

Бу дунё бедор ва
безовта, дардлик,

Ҳар жонзот умрига шерикдир, шерик.
Замона руҳини ҳис этмаса ким,
У руҳан ўликдир,
Эмасдир тирик.

Бу дунё фараҳли,
Меҳнат шарафдир,
Унинг қудрати-ла бурро сўзлайман!
Дунёга туташдир фикриму зикрим,
Даврим ярасига даво излайман!

Бу дунё тинимсиз юмуш, курашдир,
Ҳамманинг бурчидир бўлмоқ фидокор!
Хастадил элларга нажот йўлламоқ,—
Қарзидир бу,

Ҳар кимнинг зиммасида бор.
Бу дунё шупдайин!

Тошкент,

ЛОҚАЙДЛИК

У билан бир ўсган,
улғайган әдик,
У сувга чўқди, эҳ...
мен қолдим тирик.
Уни қутқазмадим, гуноҳим учун —
Итироб чекаман,
юракда оғриқ!
Билсам, бу лоқайдлик жазоси экан,
Тирнайди бағримни,
қийналур виждон,
Ўлиб-тириламан ҳанузгачайин
Ўша ўртоғимни әслаганим он!
Кўзимни қоропғи қоплайди дарҳол,
Ўзимга бераман кетма-кет савол:
— У сувга чўкканда нечун жим турдинг?
Нега қутқазмадинг,
қилмадинг омол?
Одам ҳаётига масъул-ку одам,
Бир-бирин қўриқлаш бурчи-ку, ҳар дам
Ҳаётга масъулсан,
кузатмоқ қарзинг,
Бу қарзни зиммангга юклаган олам.
Эҳ, сўнгги пушаймон бефойда, дўстим,
Сен лоқайд бўлмагин,
Сен ҳушёр ўсгин!

Тошкент, 1981



ТИНГЛАСИН

Сайра, танбур, хонишларинг
Баҳористон тингласин,
Ошиқлардай полишларинг
Хумористон тингласин,
Қалблар аро олқишлиаринг
Дил-дилистон тингласип,
Юракларни ёқишлиаринг
Жами инсон тингласин,
Булбулга жўр сўйлашларинг
Гулгун жаҳон тингласин,
Савти наво куйлашларинг
Замин, замон тингласин.

Мен саболар қанотида,
Дил садо жаҳонида,
Мен нигоҳлар оташида,
Дил зиё уммонида,
Мен раънолар бўstonида,
Дил зебо достонида,
Мен шайдолар масканида,
Дил ризо туғёнида,
Булбулга жўр сўйлашларинг
Гулгун жаҳон тингласин,
Савти наво куйлашларинг
Замин, замон тингласин.

Мен мурувват дунёсида,
Жўшар бахтим чашмаси,
Чулғамишдир дилни нурга

Бахтли умрим пашъаси,
Унга сингмиш ҳаёт шами,
Абадият шуъласи,
Ёғдуларга чўмилмишдир
қўшиқларниң нағмаси,
Булбулга жўр сўйлашларинг
Гулгун жаҳон тингласин,
Савти наво куйлашларинг
Замин, замон тингласин.

Бу саодат маъвосидир,
Фарогатин куйлагум,
Авлодлардан-авлодларга
Саховатин куйлагум,
Ҳаловатин, шароғатин
Бир умрга сўйлагум,
Даврон тинглар, башар тинглар,
Борим баён айлагум,
Булбулга жўр сўйлашларинг
Гулгун жаҳон тингласин,
Савти наво куйлашларинг
Замин, замон тингласин.

Бенавога хониш ўргат,
Хисларим соч дилнавоз,
Дилларни забт этар сасинг,
Бунча илиқ, бунча соз,
Садойингга ҳамма таслим,
Йўқдир қилча эътиroz,
Сайра, «Ушишоқ» мақомига,—
Мен ҳам қўшай бир овоз,
Булбулга жўр сўйлашларинг
Гулгун жаҳон тингласин,
Савти наво куйлашларинг
Замин, замон тингласин.

Бу ифтихор дунёсидир,
Шодиёна қайнагай,
Иқбол тожин кийиб ҳар жоп,
Бахтии тўйлаб ўйнагай,
Хумор ёзиг дўст-ошполар,
Биродарлар яйрагай,
Барча сепга ҳамоҳангдир,
Қодирийдек қуйлагай,
Булбулга жўр сўйлашларинг
Гулгун жаҳон тингласин,
Савти наво қуйлашларинг,
Замин, замон тингласин.

Toшкент, 1976

НАСИБ БҮЛИБДИР

Гулар завқи, ишқи, сехри
Кўнглимни ром қилибдир,
Гупуллаган муаттар бўй
Қалбимга лим тўлибдир.
Қаёп боқсам, гулқад, гулруҳ,
Гулиоз майин кулибдир,
Гулларга мен жонни фидо
Этмоқ насиб бўлибдир.

То азалдан гулга шайдо,
Танлаб гуллар терарман,
Гулдек тоза дилга шайдо,
Дил олиб, дил берарман,
Кўнглим ёнур элга шайдо,
Тирикман, эл севарман,
Бисотимда борин унга
Тутмоқ пасиб бўлибдир.

Тебратмишdir вужудимни —
Ўчмас ҳислар, түғёнлар,
Куйлаябман гулшап аро
Ғазаллару достонлар,
Жаннатдан минг аълодир бу
Раъно тўла бўстоnlар,
Жаннат гулин кўзларимга
Суртмоқ насиб бўлибдир.

Билмам, ўзга шундоқ гулшан,
Гулираъно бормикан,
Нафисликда, сулувликда
Шунча танҳо бормикан,
Иштиёқни қўзир бунча,
Атри дарё бормикан,

Мепга қўҳлик дарёсидан
Ўтмоқ пасиб бўлибдир.

Тенгсиз битган маъводир бу,
Лайраб ёздим кенг қулоч,
Йўлларимда гул поёндоз,
Иқболим — бошимда тож,
Мисли шоҳмап, мисли ҳурман,
Йўқдир зарра эҳтиёж,
Армонларим висолига
Етмоқ насиб бўлибдир.

Кўрдим обрў-икром бунда,
Қучдим ҳурмат, эътибор,
Ҳаётимнинг ҳар онида
Қувонч, сурур, ифтихор,
Тайёр нелар истасам, мен —
Бахтиёрдан бахтиёр,
Гул масканда дўсту ёрни
Кутмоқ насиб бўлибдир.

Toшкент, 1971

БҮСТОНИНГ СЕНИНГ

Не керак зийнат, ҳашам,
Бўлмаса хуш онинг сенинг,
Не керак қўш-қўш қапот,
Бўлмаса жавлонинг сенинг.

Фафлатда уйқу босиб,
Манзилга етмоғинг гумои,
Йўл бошлаб бонгин ураг —
Бўлмаса карвонинг сенинг.

Хеч киши чиқолмагай
Чўққига асло bemадад,
Мададу дармон эрур,
Қудратли замопинг сенинг.

На камол, на бир мурод —
Ёзарму иқболинг қулоч,
Умидлар гулин очиб,
Тутмаса бўстонинг сенинг.

Қай юрак яллиглапар,
Ёндириласа баҳт чўғлари,
Завқ қўрин диллар аро
Солмаса давронинг сенинг.
Ким қувонч созин чалур,
Сурмаса ҳурлик гаштини,
Шодликдан тўлқин отар
Бўлмаса уммонинг сенинг.
Нурсимон порлоқ, тўзал
Қўшиқ яратмоғинг маҳол
Бу диёр имконлари
Бўлмаса имконинг сенинг.

Ҳодирий саодатинг,
Давринг, суруринг шуъладор,
Таралса ёпиқ куйинг,
Кулмасму армонинг сепинг.

Toшкент, 1978

МАРҲАБО, СОҲИБКОРИМ

Бу гул меҳрим боғидаш,
Қабул эт, гулбаҳорим,
Нишона қалб қўридан,
Манзур тут, шаҳсуворим,
Гулнур дедим, гул бердим,
Ардоқлагил, гулнорим,
Гул орқали дил бердим,
Дилимга боқ, дилдорим,
Юрагимга йўл бердим,
Марҳабо, соҳибкорим!

Боқиб узоқ, узоқдан,
Чалдим севгим рубобин,
Фироқ, ўтин ўчирдим,
Енгдим ҳижрон азобин,
Тўйиб, қониб ичайин
Васли дамлар шаробин,
Шуълалардан ёзайин
Мурод ҳосил китобин,
Юрагимга йўл бердим,
Марҳабо, соҳибкорим!

Сен порлагач умримда,
Бўлдим пуринг асири,
Қалбим ёнгач қўрингда,
Бўлдим қўринг асири,
Шайдойиман сеҳрингда,
Бўлдим сеҳринг асири,
Сен тоблагач меҳрингда,
Бўлдим, меҳринг асири.
Юрагимга йўл бердим,
Марҳабо, соҳибкорим!

Гувоҳ бўлсин севгимга
Аҳли олам сен учуп,
Бу қасамёд йўлига
Кўйдим қадам сен учун,
Кўшиқ тўқиб, севгимни —
Куйлай ҳар дам сен учун,
Вафодорга вафо, деб,
Сайрай ҳар дам сен учун,
Юрагимга йўл бердим,
Марҳабо, соҳибкорим!

Ишқимизга маскандир
Бу диёпат гулшани,
Ихлос гулин очибди
Бу саодат гулшани,
Жилваларга тўлибди
Бу назокат гулшани,
Бизни чорлар бағрига
Бу фароғат гулшани,
Юрагимга йўл бердим,
Марҳабо, соҳибкорим!

Бахтимиздан яралган
Эзгу, ўтлуғ бу замон,
Фахримиздан яралган
Азиз, қуттуғ бу замон,
Бизга меҳрин ёғдирав
Бамисли чўғ бу замон,
Қодирий дер: «Барқарор,
Қиёси йўқ бу замон».
Юрагимга йўл бердим,
Марҳабо, соҳибкорим!

Тошкент, 1974.

ЧЕЧАКЛАР

I

Чечаклар, чечаклар,
зебо чечаклар,
Сизга боқиб кўзим тўймас ҳеч маҳал.
Сиздадир кўҳлигу, пафис безаклар,
Сиздадир жилою, жилвалар тугал.
Одамлар юрагип забт этган сизлар,
Хандаю табассум сизда мужассам.
Сиздадир беғубор, мунаввар, юзлар,
Шафақ ҳусни сизда,
тонгшииг акси ҳам.
Ҳавасу иштиёқ уйғотувчисиз,
Бағоят ёқимли, сўлиму майин.
Инсон табиатин яйратувчисиз,
Ҳузурбахш айлайсиз ҳидлаган сайин.
Кўз яшнар сизларга боққан чоғларда,
Битар дил оғриғи ва заҳматлари.
Шиғо қулғ урар сиз кулган боғларда,
Ғалаён кўтарар қалб рағбатлари.

II

Кўрмадим сиз каби малоҳат шоҳин,
Кўрмадим сизсимон нозик, жилвагар.
Сизга айтмоқдаман дилим саволин,
Ким сизни яратди бунчалар дилбар!
Ишқингиздан шу тоб кўксимда туғён,
Сеҳрингиз илкида тўқийман қўшиқ.
Чеҳрангиз кўрмасам агар бирор он,
Юз йил кўрмагандай соғингум жўшиб.
Сизда кўра олдим юлдузлар аксин,
Сизда кўра олдим офтоб жамолин.
Мен сизда пайқадим оппоқ тонг нақшин,

Жилвағиздан гулгун ҳаёт камолин,
Манглайи ярқироқ гулпараст халқим —
Меҳнати бахш этмиш тенгсиз, нафосат.
Сиздадир нигоҳим,
Сиздадир қалбим,
Чунки гўзалликка ошиқман абад.

Тошкент, 1963.



СЕН ЯШАЙСАН ДАВРЛАР ОША

*Инқилобчи, янги уйгур шеъриятининг
асосчиси Лутфулла Муталлиб таваллуди-
нинг 60 йиллигига бағишлайман*

Не-не амалдор, не бойни күргапман,
Талтайиб, дағдаға қиласырди ҳарчанд.
Каттакоп саллали қозп, әшоплар
Үзларин улуғлаш билан эди банд.
Дердилар: «Дунёда азизлар бизмиз,
Жаҳонга ҳомий биз,

бу — азал қисмат!

Биз олам пойдори, устунни ҳам биз,
Авлиё, пайғамбар берган ваколат!..»

Оят ўқирдилар күпиртиб оғиз,
Ерди маъракада тансиқ таомлар.

Таъма-ла ҳар кимга қадашарди кўз,
Уларники эди тухфа, ипъомлар.

Билмасди ишратдан ўзгани улар,
Жабрдан эллинг лек дили эди қон.

Тўсарди илм-ирфон юзини улар,
Маърифат бўстонип этарди хазон.

Эдилар азалдан баҳт, иқболга ғов,
Англамас эдилар Ватан маъносин.

Эркка, ишоқликка бўлишарди ёв,
Бўғардилар, тепглик, дўстлик садосин.

Улар эл умидин чилпора этди,
Ўз нафсин ва тинчни ўйлашди тинмай.

Дарбадар шамолдек келишди-кетди,
Кетдилар пом-нишон қолмай бутунлай.

* * *

*

Сени кўрган, севгани жоплар қатори
Кўрганман, севганиман,

дилимда номинг.

Сен ўлмас элимнинг жарангли тори,
Қалбим қат-қатида ўтли каломинг.
Мен каби миллионлар ўйлайди сени,
Сен ижод кўкида порлоқ юлдузсан.
Мен каби миллионлар куйлади сени,
Зулматда чақнаган нурсан, кундузсан.
Порладинг инқилоб қўшиғин куйлаб,
Мангуга озодлик гулларин тердинг.
Ундан ис таратдиңг ўлкалар бўйлаб,
«Йилларга жавоб»-ла дилларга кирдинг.
Эрк жангип садоси бўлди куйларинг,
Гулдираб сузмоқда элдан элларга.
Индин ҳақидаги фикринг, ўйларинг,
Жонга дармон,
Қувват қўшар белларга.

* * *

*

Англардим яловдор әканлигинги,
Ўхшатардим вулқон ёлқинларига.
Кураш бонги бўлган ҳар бир сўзингни
Қиёслардим уммон тўлқинларига.
«Кураш илҳоми»ни ўқимай қай он,
Ҳисларим жўшарди мисоли дарё.
Юракда улғаяр эди ғалаён,
Гўё тугёнкор тус оларди дунё...
Сени бир чақмоққа қиласардим таққос,
Бу таққосга эди «Чингмўдан» асос.
Жалол исёнига эш бўлиб жоним,
Ортарди исёнкор руҳим, дармоним!

Руҳ олиб шеърииңдан талпинар эдим —
Октябрь тонгининг сарчашмасига.
«Ленин шундоқ ўргатган»ни ўқирдим,
Ошиқардим эркиннг нашидасига.
Куйлаб «Ватаан аъло, халқ аъло» куйин,
Ватаанпарварлигинг намойиш әтдинг.
Кўрсатдинг юрт севмоқ ўзи нелигии,
Унинг ибратомуз рубобин чертдинг...
Жангдасан,
Ёв билан солишмоқдасан,
Ҳар шеъринг,
Ҳар сатринг ўзи бир жангчи.
Шумлик, ёвузлик-ла олишмоқдасан,
Ғоянгу ироданг ўзи бир жарчи.
Ошдим тоғ, дарёлар,
Бўйладим манзил,
Ҳамма жойда ўчмас изингни кўрдим.
Иzlарингдан тердим даста-даста гул,
Ҳар гулда исингни, ўзингни кўрдим.
Дўстлик қўшиқларин айтиётирсан,
Ҳар куйингда Ленин қуёшин тафти,
Замондан замонга ўтаётирсан,
Умрингда шиддаткор оламнинг забти!

Toшкент, 1982



ДАЪВАТ

(*Публицистик достон*)

МУҚАДДИМА

Ленин ақлу заковатин,
Фикрин сўнмас шами бўл!
Инсоният тилаклариц,
Орзуларин жами бўл!
Бўйлаб олтин шафақларни,
Дил қўрим соч, куйларим!
Ёвузликни ўртаб учгил,
Ёз кеңг қулоч, куйларим!
Ишчиларнинг жасорати,
Қудратидай бўл буюк!
Деҳқонлардай сахий, қайноқ,
Олийҳиммат бўл, суюк!
Мўъжизакор даҳосидек
Кашфиётга чорлаб уч!
Фазогирлар изларидан
Самовотда порлаб уч!
Улуғ карвои бойгисимон
Кўндирма кўзга мудроқ!
Ундейвергин доим олға,
Уйғот ҳавас, иштиёқ!
Тоғу денгиз, қитъалар ош,

Соҳиллару манзил ош!
Жафокаплар манглайин ўп,
Куйига бўл оҳангдом!

* * *

Кезгил жами ўлкаларни,
Инсонларни зийрак эт!
Барча типчлик посбонларин
Бир-биридан сергак эт!
Мен башарнинг заррасиман,
У беўлчов вужуддир.
Қуч-қуввати, каромати
Бекиёс, беҳудуддир.
Яшамоғим маҳол усиз,
У жониму дармоним.
У туғайли муқаддасдир
Мағкураму имоним.
Ишқи-ишқим,
Аҳди-аҳдим,
Иродаси-иродам.
Шарофати-шарофатим,
Таронаси-таронам.
У жамғарган жавоҳирлар
Бебаҳодир менга ҳам.
Муштаракдир бор иқлимга,
Унда олам мағзи жам.
Башар ҳаёт-мамотига
Қаролмайман бепарво.
Эрк нашъасин сурсин барча,
Ғам чекмасин мутлақо.
Қолсин фақат луғатларда
«Ҳоқим, маҳқум», деган сўз.
Кўрсин ҳамма тенг ҳаловат,
Сарғаймасин бирон юз.
Адолату ҳаққоният,

Шиори бўл, жўшавер!
Дўстлик, тенглик деганларнииг
Қарори бўл, жўшавер!

* * *

*

Мен башардан бир томчимаи,
У довулли бир уммон.
Совет юртим эса ушииг
Таянчиидир ҳар қачон.
Бунда ҳаёт жозибаси,
Дилбарлиги мужассам.
Барқарордир эзгу ният,
Бунида олий мақсад жам.

Османаро кўчса юлдуз,
Бир сесканиб ўй сургум.
Тушмасин деб бошимизга,
Табиатга ёлворгум.
Табиат-чи, ҳайратда дер:
— У юлдузлар йироқда.
Одамдан қўрқ — хоҳласа у
Ташлар сепи фироққа.
Жаҳон нотинч,
Замин узра —
Икки оқим, икки йўл!
Бириси нур,
Бири зулмат,
Бири тикап,
Бири гул!
Бири жапнат, сочур хуш бўй,
Бахт, шодликка чорлайди.
Олишади аёз билан,
Қуёш бўлиб порлайди.

Ёвузликини даф этмак-чун
Курашади мардопа.
Куррамизни асрамоқлик
Ундаги аҳд-паймона.

— Тўхтасип,— дер,— қуролланмоқ,
Хавфу хатар қадами!
Кул бўлмасин ядролардан
Бу тириклик олами!
Зулумоту кулфат битсин,
Ўчсип босқинлар изи!
Биродарлик масканига
Айлансин бу ер юзи!

Бошқа дунё — буниинг акси,
Унда ҳоким капитал.
Эзиш, алдаш ва таламоқ
Унда шиор ҳар маҳал.
Эгилган бош,
Кўзларда ёш,
Тил «кесилган», тан яра!
Оёқда ғўл,
Қўлда занжир,
Инсон эрки масхара!
Ачинаман ўшаларга —
Кулфатдаги элларга.
Ёвузликини тифи теккан,
Хасталанган дилларга.
Шулар томон учар хаёл,
Шулардадир ўйларим.
Маҳкумларга бергил најот,
Эркка чорла, куйларим!

* * *

*

Мен башардан митти учқун,
У жаҳоний бир оташ.
Юракларниш ёпишлари,
Уришлари ҳам туташ.
Ҳур юртимнинг диёрларин
Рағбати бўл, даъватим.
Чақиаб сузсин сен-ла менинг
Фикрим-зикрим, ҳимматим.
Қитъаларга алвон-алвон
Гул эккашлар — йўлдошим.
Асрим шонин, ғалабасин
Улғайтганлар — қўлдошим.
Фашизмга қарши жаангда
Бизга ёпма-ён турган,
Озодлик, баҳт, дўстлик учун
Жон олгану, жон берган,
Худди мендек баҳти кулган,
Шодлик қучган ҳар бир эл,
Йўлларимга йўли туташ,
Бойлангандир дилга-дил.
Мен уларга томирдонман,
Юракдошман, юракдош.
Бирга тепар қўш юраклар,
Бир-бирига тилакдош.
Кўкимиизда битта офтоб,
Пешво бизга битта тонг.
Илдиз отмиш теран дўстлик,
Ҳамжиҳат ҳис-туйғу, онг.
Устоз Маркс ва Энгельс
Авлодига йўлдошман.
Ундан таълим олган одил.—
Мардумларга дилдошман.

Эрк жарчиси Бехер, Вайнер¹
Куи монанд қуйимга.
Соҳир фикри, жўшқин ўйи
Мосдир фикру ўйимга.
Ўлим билмас Фучик куи
Куйимга эш ҳамиша.
Чех, словак орзулари
Орзуимдир ҳамиша.
Булғорларга ҳамнафасман,
Қисматимиз туташдир.
Бораётган йўлимишу
Манзилимиз ўхшашдир.
Қаҳрамон зот Димитров
Мен учун ҳам қадрдон.
Ленинизм ғоясига
Бўлди содиқ бир пособи.
Кўнглим яқин руминга ҳам,
Орада йўқ ғайри сир.
Ҳисларимга ёндош учган
Садовяну² ҳиссидир.
Венгер бирлап апоқ-чапоқ,
Аҳил ака-укамиз.
Қўл бериб бир-бирилизга,
Қасамёдлар қилганмиз.
Бахт-саодат гулшанида
Кўмакдошман полякка.
Коммунистик эътиқод-ла
Тилақдошман полякка.
Коммунистман,
Виждоним пок,
Ғаразлардан наriman.

¹ Бехер, Вайнер — демократик Германия адабиёти вакилларидан.

² Садовяну — социалистик румин адабиёти намояндайларидан.

Лепин шурип эмиб, ўсган
Соғдиллардан бириман.
Гуллаётган озод чаман
Гули сўлмасин дейман.
Дўстларимнинг гулгун юзи
Ҳеч тунд бўлмасин дейман.

* * *

Мен башарнинг куйчисиман,
Эркинлигин сўйлагум.
Ҳамдамликдан жамол очган
Оlam кўркип куйлагум.
Озод мўғул фарзанди-ла
Дўстлигимиз синалган:
Улуғ Ильич, Сухебатор —
Номи билан аталган.
Бу дўстликнинг или узун
Замину осмон қадар.
Четдан боқиб турли ғаним
Куяр, йиглар, қон ютар.
Жасур Вьетнам ботирлари
Қардошимдир,
Дўстимдир.
Унинг одил кураш пости
Менинг кураш постимдир.
Маслагимиз, тақдиримиз
Илдиздошу томирдош.
Боқамиз бир истиқболга,
Ҳамқисмату ва сирдош.
Босқинчилар додин берган
Йигит-қизин қутлагум.
Унинг зафар қўшиқларин
Умрим бўйи ёдлагум.
Хо Ши Минга эҳтирому
Икромларим бепоён.

Унга меҳрим оташлари,
Ёлқиплари бир жаҳон!
Кампучия мардларига
Дил боғимдан гул тердим.
Боғлаб орзум ишларида,
Узатдим ва қўл бердим.
Лаос ўғли тутди қўлим,
Мен ҳам қўлин ушладим.
Бошлаб иқбол йўлларида,
Олга одим ташладим.
Фийбатчилар қолди доғда,
. Вайсаб, вайсаб қусмиш қоп.
Ҳануз четдан тош отишар
Талвасада ҳар замон.
Қувонамап ич-ичимдаи,
Хушҳоллигим бир олам.
Афғон бизга вафодор дўст,
Ҳамфикр ва ҳамқадам.
Кулди мангу баҳт-омади,
Омадимдек барқарор.
Ҳурлиқ, тенглик муҳри қўлда,
Келажаги шуъладор.
Туғларимиз рангларида
Ўхшапликни кўрдим мен.
Ҳамжиҳатлик шавқини-ю
Нашидасип сурдим мен.
Эрким билан эрки пайванд,
Сурурим-ла сурури.
Қўшилгандир, эш бўлгандир
Шууримга шуури.

* * *

*

Дўстликка жон қўшаётган
Буюк ҳиндга тасанно!
Ёнаётир кўзларида
Эзгу умид, муддао.
Хайриҳоҳман унга мудом,
Хайриҳоҳлик аҳдим бор.
То азалдаи яхши дўстим,
Айрилмаслик шартим бор.
Тагор қалбдан терган дурии —
Ардоқлаймаи умрбод.
Бишнуди¹ назми учқур —
Назмим билан ҳамқапот.
Ҳинд ерида қад кўтарган
Муazzам ҳар бинога,
Кўчаларга, соҳилларга
Егаётган зиёга,
Мамлакатга қудрат берган
Заводга, корхонага,
Юрт чеҳрасин сўлим қилган
Азимкор нурхонага
Элимдаги донишларнинг
Фикри, зеҳни қўшилмиш,
Упинг дўстлик ришталари
Қалблараро эшилмиш.
Шу дўстликнинг замирида
Эзгу ўйлар юз очмиш.
Дунёмизга осойишу,
Тотувлик нурии сочмиш.

¹ Бишнуди — ялги ҳинд шеъриятининг вакилларидаи.

* *

*

Эй, пок дилим қўшиқлари,
Ёниб учгил бетўхтов!
Бу мусаффо ҳисларимни
Чархга сочгил бетўхтов.
Озодликка зор Фаластин
Ёнин олмоқ бурчимдир.
Қўллаб ҳуқуқ,
Ҳақ даъвосин,
Созим чалмоқ бурчимдир.
Эркпарварлар қўлдошиман,
Улар ёви менга ёв.
Бахт-фароғат йўлини тўсган
Ғовлар ҳам менин учун ғов.
Етим қолган,
Кўз ёш тўккан —
Гўдакларга куюнгум.
Улар учун қасос олган
Мардга боқиб суюнгум.
Бағри қонлар курашини —
Қўллайман, то тирикман.
Мадад бўлгум жафокашга,
Дардларига шерикман!

* *

*

Мен башарга тилайман шон,
Шарафларга чўмилсин!
Эрку бахтнинг гулларига
Оlam қучоғи тўлсии!
Ўхшар менинг юрагимга
Африка қиёфаси.
Қалби эса яловбардор,

Ёлқинлардан нафаси.
Анголанинг зафаридаи
Етди бошим фалакка.
Олқишиларим,
Қувончларим
Кўпирмоқда юракда.
Эфиопия мардлари
Йўлдошимдир бир умр.
Ҳамжиҳатман,
Ҳамфикрман,
Ҳамюракман,
Ҳаммеҳ!
Мозамбикиниг мақсадлари
Мақсадимга уйғундир.
Истиқболу иқболидан,
Қулгусидан ёғар нур.
Ҳур Жазоир осмонида
Эркин ҳилпирав байроқ.
Янги турмуш йўлларига
Жилоси гўё маёқ.
Ўша маёқ меҳнаткашлар
Қўлидаги йўлчироқ.
Бўйлар манзил,
Ошар довои,
Келгуси бундан порлоқ.
Сабри янглиғ шеърлари бор,
Жамиладек қизлари.
Бормиши ёрқини изларимдан
Унинг янги излари.

* *

*

Курашмоққа туғилганман,
Коммунистининг бириман.
Башар типчи учун керак —

Бўлса, жонни бераман.
Кўрашдошу
Елкадошман
Кубалик ҳар ўғлонга.
Мадад қўлии узатаман,
Дармон қўшиб дармонга.
Биродарлик қўниқларин
Кўйлаётган қўшюрак —
Совет-Куба ҳамдамлигин —
Шоп-шуҳратин ёйжак.
Сальвадорда жанглар жадал,
Тун ила тонг солишмиш.
Субҳидам арафасида
Зулмат-ла нур олишмиш.
Икки дунё жангги бу ҳам,
Башарга шон ёр бўлсин.
Эрк жангларин туғдорлари,
Сардорларп бор бўлсин!

* * *

*

Ғазаб ўтим ёнар, Чилли —
Фожиаси,
Догидап.
Қайғу-алам босар Хунта —
Жабридан,
Қийногидан!..
Альянденинг ўлмаслигин,
Мардликларин сўйлайман.
Неруданинг ёлқинланган
Мисраларин ўйлайман.
Тун кўксини йиртар зиё,
Нур чашмалар тошажак.
Хурлик тонги отар бир кун,
Бахт ёғдусин сочажак!

* * *

Бахтга шайдо ва ғидокор
Ҳар бир элга ҳамдамман.
Хоҳ қаҳратон,
Хоҳ саратон,
Хоҳ куз, баҳор — бирдамман.
Оловлардан,
Бўронлардан,
Довуллардан мен ўтгум.
Қутлаб қутлуғ айёмларда
Қучоқлагум,
Гул тутгум.
Заҳмат, меҳнат, ижод аҳлин
Жарчисимаи,
Жарчима!..
Типчлик, шодлик, маъмурликинг
Жангчисимаи,
Жангчиман!
Хитобларим, шитобларим
Эзгуликка қанотдир.
Уига парвоз бағишлаган
Ленинча ҳур ҳаётдир.
Ўша ҳаёт севгисидан
Ҳисларим,
Тугёнларим.
Ўша ҳаёт туғайлидир
Истагу армонларим.
Эй, даъватим, нурли олам
Ҳайқириғи бўл абад!
Дилдан дилга сингиб борар
Чақириғи бўл абад!
Ленин ақлу заковатин,

Фикрин сўнмас шами бўл!
Инсоният тилакларин,
Орзуларин жами бўл!

Toшкент, 1981

МУНДАРИЖА

Ватаним	3
Ленинчи овоз	4
Ўзбекистон, яшнайбер!	6
Ҳосил байрами	8
Ишчи дўстимга	10
Зафар сари	12
Бу дунё	14
Лоқайдлик	16
Тингласин	17
Насиб бўлибдир	20
Бўстонинг сенинг	22
Марҳабо, соҳибкорим	24
Чечаклар	26
Сен яшайсан даврлар оша	28
Даъват (публицистик достон)	31

Қодирий, Рўзи.

К 56 Дўстлик нашидаси: Шеърлар ва дос-
тон.—Т. «Ёш гвардия», 1984.—48 б.

Шеърият ихлосмандлари истеъдодли уйгур
шоири Рўзи Қодирийни ҳур замон, халқлар
дўстлиги, бахтиёр инсон, заволсиз севги кўйчи-
си сифатида яхши танийдилар. Муаллиф бу
тўпламда ҳам ўз анъанасига содиқ қолган.

**Қадыри Рузи. Наша дружба. Стихи и
поэма.**

УЗ2

К $\frac{4702570200 - 84}{356(04) - 84}$ 56 — 84

На узбекском языке

Рузи Қадыри

НАША ДРУЖБА

Стихи и поэма

Редактор А. Обиджонов

Рассом А. Мамажонов

Расмлар редактори Х. Раҳматуллаев

Техн. редактор Н. Мирзаева

Корректор Ш. Аминова

ИБ № 1408

Теришга берилди 14. 03. 84. Босишига рухсат этилди
20. 09. 84. Р 13189. Формати $70 \times 90^{1/2}$. № 1 босма
қозозига. «Обыкновенно-новая» гарнитурада юкори
босма усулида босилди. Босма листи 1,5. Шартли
босма листи 1,75. Нашр. листи 1,49. Тиражи 8000.
Буюртма № 164. Баҳоси 25 т. Шартнома № 117—83.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия»
нашириёти, Тошкент, 700129, Навоий кӯчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт полиграфия ва китоб
савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот»
полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2- босма-
хонаси, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кӯчаси, 44.